



## УЛУҒ АЙЁМ КУНЛАРИДАГИ ЭЗГУ ИШЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 8 апрель куни Тошкент шаҳри Олмазор туманида олиб борилаётган бунёдкорлик ва маҳалларни ободонлаштириш ишлари билан танишди.



2018 йил 15 июнь, Рамазон ҳайити куни Президентимиз Ислоҳ цивилизацияси маркази пойдеворида тамал тоши қўйган эди. Бугунги муборак Рамазон кунларида давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага яна ташриф буюрди.

Бу марказ ҳам маҳобати, ҳам моҳияти жиҳатидан улкан лойиҳа. Унинг қурилиши қарийб тўрт йилдирки давом этмоқда. Мажмуа уч қаватли бўлиб, қадимий обидаларимиз шаклида барпо этилган. Бино марказида улкан гумбаз, тўрт томонида симметрик пештоқлар қурилган. Бугунги кунда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев шу ишларни кўздан кечирди. Бинони пардозлашда қадимий мадрасаларимиздаги белгилар ва иссиқ ранглардан фойдаланилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мажмуани чиройли ва сифатли қилиб қуриш билан бирга мазмунига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

— Бугун, муборак Рамазон ойида, жума кунинда бу ерга келишимиз бежиз эмас. Бундай улғу айём кунларида қилинган ниятлар амалга ошади. Охири йилларда оғир-оғир синовлардан ўтдик. Лекин бу ерда иш тўхтагани йўқ. Нима учун буни қураямиз? Халқимизнинг дунёқарашини, гурурини кўтариш, қандай буюк эл эканимизни ашъвий далиллар билан намён этиш учун, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ислоҳ цивилизацияси маркази халқимизнинг маънавий қудратини кўрсатиши қайд этилди.

— Ўтган йили Қашқадарёда “Ўзбекистон GTL” заводини очиб, бутун дунёга мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини кўрсатдик. Бу марказ халқимизнинг маънавий ва маърифий қудрати тимсоли бўлиб қолади, — дея таъкидлади Президент.

Давлатимиз раҳбари деворлардаги равоқларнинг безак ва ёзувлари намуналари билан танишди. Дарвозалар тепасига тинчлик, илм, одобга

чорловчи оятлардан ёзиш мақсадга мувофиқлигини айтди.

Ислоҳ цивилизацияси марказининг таркибий қисмлари тўғрисида маълумот берилди. Биринчи қаватда музей омбори, қадимий қўлёзма ва осори-атиқаларни сақлаш ҳамда реставрация қилиш хоналари, нашриёт ва китоб дўконлари жойлашди.

Иккинчи қават мажмуанинг асосий кўрғазма майдони бўлади. Бу ердаги Ислоҳ тарихи музейи 9 та бўлимдан ташкил топади. Бинонинг марказида 65 метр баландликдаги гумбаз остида Ислоҳ оламининг дурдонаси ҳисобланган Усмон мушхафи қўйилади. Бу зал атрофида яна 8 та — “Ислоҳдан аввалги даврда Марказий Осиё”, “Ислоҳнинг Марказий Осиёга ёйилиши”, “Таълим”, “Илм-фан”, “Меъморчилик ва шаҳарсозлик”, “Санъат ва бадиий хунармандчилик”, “Анъаналар” ҳамда “Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон” бўлимлари жойлашди.

Шунингдек, бу қаватда 550 кишига мўлжалланган конференция зали бўлади.

Президентимиз “Илм-фан” бўлимини кўздан кечирди. Аллома боболаримиз меросини кенг ва таъсирчан тарғиб этиш бўйича тавсиялар берди. Давлатимиз раҳбари учинчи қаватга чиқиб, кутубхона, Ислоҳ академияси илмий кафедралари ва маъмурий хоналар намуналарини ҳам кўрди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олмазор туманидаги Университет маҳалласига борди.

Ижтимоий дастурларни маҳаллабай амалга ошириш — давлатимиз раҳбарининг энг асосий талаби. Университет маҳалласида ҳам иш шундай ташкил этилган. Фуқаролар йиғини биноси замонавий таъмирланган. Уйлар ҳовлиси, майдончалар обод қилиниб, ички йўллар бетон билан текисланган, 700 метр узунликдаги велосипед йўлаклари қурилган.

▶ Давоми 3-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ КЕЛИШУВЛАР ИЖРОСИНИНГ БОРИШINI МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 апрель куни Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари муқаддас Рамазон ойи бошлангани билан бир-бирини самимий табриклаб, биродар Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аввал эришилган келишувлар амалга оширилишининг бориши батафсил муҳокама қилинди.

Узаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишларини илгари суришга, шу жумладан, Ўзбекистон-Қирғизистон тараққиёт жамғармаси фаолиятини бошлаш, Қамбарота 1-гидроэлектр станцияси ва “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш бўйича инфратузилмавий

лойиҳаларни жадаллаштириш, саноат кооперациясини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий-гуманитар соҳадаги сермахсул алмашинувлар ва қўшма дастурлар амалга оширилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Қабул қилинган қарорларни сўзсиз бажариш мақсадида ҳукуматлар даражасида фаол мулоқотларни давом эттиришга келишиб олинди.

Давлат раҳбарлари бўлажак олий даражадаги учрашувлар режасини кўриб чиқдилар. Минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очик, ишончли ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ҲАМ ИШ-ИШТИРИШ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БОРАСИДАГИ НАВБАТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ТЎҒРИСИДА

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали камбағалликни икки баробарга қисқартириш, иқтисодиётда рақобатни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шaroитлар яратиш, бозор муносабатларига тўлақонли ўтишни жадаллаштириш, миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий инвестициялар ҳажмини кескин ошириш ҳамда бизнес доираларининг ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар иқтисодий ўсишни таъминлашда хусусий секторнинг ролини ошириш, барча тармоқ ва соҳаларда хусусий секторнинг ривожланиши учун қўлай шарт-шaroитлар яратишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

хусусий мулк дахлсизлиги ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафо-

латлаш борасидаги институционал ва маъмурий ислоҳотларни давом эттириш ҳамда бу борада қонун устуворлигини таъминлаш;

қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини шаффоф тарзда хусусийлаштириш механизmlаридан, энг аввало, хусусий инвесторларни жалб қилишнинг муҳим омилли сифатида фойдаланиш ҳамда ерларни аукционга чиқаришда уларнинг жозибдорлигини ошириш учун инфратузилма ва бошқа зарурий шaroитларни яратиш бериш;

давлат иштироки сақланиб қолаётган товар ва хизматлар бозорини эркинлаштириш ҳамда ушбу соҳаларга хусусий секторнинг кириб келиши учун шaroит яратиш, монополияга қарши органнинг институционал салоҳияти ва ваколатини кучайтириш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

▶ Давоми 2-бетда

## БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# Инсон капитали: ХАЛҚ ОРЗУСИ БИЛАН ҚУДРАТЛИ КЕЛАЖАК ТАРБИЯЛАНМОҚДА

Президентимиз 2018 йил декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистон катта сиёсати тарихида илк бор инсон капиталига эътибор бериш лозимлигини айтди. Шундан бунёд орадан уч йилдан кўпроқ вақт ўтди — Ўзбекистон Учинчи Ренессанс истиқболи сари илгариланмоқда. Бугун эса Ўзбекистонда миллий тамаддун боқичининг иккинчи давраси бошланди. Ана шу давра Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосига қурилади. Бу ерда стратегия — бошқарувни тўғри ва истиқболли режалаштириш санъати, деган маъно касб этади.

▶ Давоми 4-бетда



## 9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



## СОҲИБҚИРОННИНГ УЙҒОНИШ САБОҒИ

Давлатчилик тараққиётининг зарур шартларидан бири кучли иқтисодий ва ҳарбий қудратга эга бўлиш қаторида жамият аъзоларининг ижодкорлик тафаккури даражасини юксалтириш орқали юрт довуғи ва шуҳрати асрлар давомида барқарор қолишини таъминлашга эришишдир. Соҳибқирон бобомиз бундай мамлакатнинг бахтиёр халқи орасидан унинг номини абадийлаштирувчи ҳамда ўз уйғоқ руҳи билан жаҳонга Уйғониш сабоғини берувчи авлодлар етишиб чиқишини тўғри англаган.

▶ Давоми 6-бетда



# УЛУҒ АЙЁМ КУНЛАРИДАГИ ЭЗГУ ИШЛАР

Бошланиши 1-бетда

Маълумки, ўтган йили ноябрда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси эълон қилинган эди. Давлатимиз раҳбари бу жараёнда дарахт кўчатлари экиш билан бирга маҳаллаларда ишқомли кўчалар ташкил қилиш зарурлигини айтган эди. Шунга мувофиқ, Университет маҳалласида 750 метр узунликдаги ишқомлар ўрнатилиб, узум кўчатлари экилган. Кўп қаватли уйлар олдидаги майдонларга район, намозшомгул каби гуллар етиштирилмоқда.

Университет маҳалласида 4 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. 19 та кўп қаватли уйнинг қиёфаси, йўлаклари яхшиланди. Бу ерда 150 ўринли хусусий мактаб ҳам бор. Ундан ортиқ кичик бизнес қорхонасида маҳаллий ёшлар ва аёллар ишламоқда.

Президентимиз маҳаллада бажарилган ишларни кўздан кечирди. Маҳалла фаоллари, нурунийлар билан суҳбатлашди.

— Сизларни аввало Рамазон ойи билан, маҳаллангиз шундай обод бўлгани билан табриклайман. Бу салгина ҳаракат қилса, раҳбарлар пастга тушиб ишласа, натижа бўлишининг бир мисоли. Илгари маҳалланинг номи бор эди, ҳоким ҳуши келса, гаплашарди. Ҳозир ҳамма тизимни маҳаллада муҳасам қилаемиз. Нима учун? Ҳар бир оиллага, ҳар бир инсонга етиб бориш учун. Бундай ишлар ҳамма маҳаллада тезроқ бўлишини истардим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўтган йили Тошкент шаҳридаги 579 та маҳаллага 2 миллиард сўмдан берилган эди. Бу йил ҳам яна шунчадан маблағ йўналтирилиши маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари маҳалладаги “Олмасор

холдинг гранд” бошқарув сервис компанияси фаолияти билан ҳам танишди.

Кўп жойларда бўлгани каби Университет маҳалласида ҳам коммунал хизмат кўрсатишда муаммолар бор эди.

2021 йил 19 июнда Ўзбекистон Президентининг “Кўп квартиралар уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинганди. “Олмасор холдинг гранд” компанияси ушбу имкониятлар натижа-сида ташкил топди. Унинг икки қаватли биноси-да қўлай шароитлар яратилган.

Компания 7 маҳалладаги 103 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Илгари бу уйларга 27 та ширкат қараган. Уларда директордан бошқа мутахассис, махсус техника бўлмаган. Ҳозир сервис компаниясида 30 та доимий иш ўрни яратилган. Махсус техникалар сотиб олинган. Компания биносида коммунал хизматлар бўйича ўқув маркази ҳам очилган.

Ҳисоб-китобларда биллинг тизими йўлга қўйилган. Аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида “Менинг уйим” мобиль иловаси жорий этилган.

Бундан ташқари, бошқарув компанияси биносидаги қўшимча хоналар ҳамда кўп қаватли уйларнинг ертўласида 30 га яқин маиший хизматлар ташкил этилган. Президентимиз ушбу шохобчаларни ҳам кириб кўрди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманларида ташкил этиладиган бошқарув сервис компаниялари бўйича тақдимот ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олмасор туманидаги 102-сонли замиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатни бориб кўрди.

Мазкур таълим муассасаси 1966 йилда ташкил этилган бўлиб, 2016 йилда капитал таъмирланган. Айна пайтда бу ерда 221 нафар ўқувчи

тарбияланмоқда. Уларга олий маълумотли дефектолог ва тарбиячилар сабоқ бермоқда. Ўтган йили 21 нафар битирувчидан 3 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган.

Мактаб-интернатда 4 та ўқув биноси, 280 ўринли ётоқхона, ошхона, кутубхона, спорт зали, фаоллар зали мавжуд.

Давлат раҳбари ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Тарбияланувчиларнинг машғулот жараёнларини кўздан кечирди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги мактаб-интернатнинг ошонаси ва технология хоналарини таъмирлаш, спорт комплекси ва ишлаб чиқариш устанонаси ташкил этиш бўйича топшириқ берди.

Халқ таълими вазирлиги “Замин” жамғармаси билан бирга 2 минг 600 дан зиёд заиф эшитувчи болаларни тиббий текширувдан ўтказиб, уларни эшитиш мосламалари билан таъминлаш, эшитиш қобилияти тикланган болаларни бошқича-бошқич умумтаълим мактаб-ларига ўтказиш вазифаси қўйилди.

Шундан сўнг мактаб-интернатда юртимиздаги шундай ижтимоий муассасалардаги шароитларни яхшилаш бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида Қуръон каримнинг “Раҳмон” сурасидаги “Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир”, деган оятни ёдга олди.

Кексаларга ҳурмат, муҳтожларга меҳр-муруват кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Пандемия даврида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати кенг тарқалиб, элимиз эҳтиёжмандларга бегараз ёрдам бергани, қийинчилик ва синовларни баҳамжихат ениб ўтгани бунинг ёрқин мисоли бўлди.

Инсон қадрини улуғлаш, меҳр ва ёрдамга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш — давлатимиз

ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналиши. Бу борада жуда кўп хайрли ишлар қилинмоқда.

Ўтган йили 25 мартада қабул қилинган Президент фармони асосида кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернет уйлари яхшилаш чоралари кўрилди. Жумладан, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, “Саховат” ва “Мурувват” уйлари, фахрийлар санаторий ва пансионатлари, бошқа қатор тиббий-ижтимоий муассасалар унинг тасарруфига ўтказилди.

“Саховат”, “Мурувват” уйлари, Республика фахрийлар пансионатининг раҳбар ва шифокорлари иш ҳақи 1,5 баробарга, кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари иш ҳақи 2 баробарга оширилди.

Ушбу интернат уйларда яшовчи 9 минг 400 нафар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда 18 минг нафар ёлғиз фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди.

“Замин” жамғармаси билан ҳамкорликда заиф эшитувчи 2 мингдан зиёд болалар рақамли эшитиш мосламалари билан таъминланди. 11 та ихтисослашган мактаб-интернат ёрдамчи товуш-нутқ воситалари билан жиҳозланди. Ногиронлиги бўлган 900 нафар бола протез-ортопедия мосламалари, 1 минг 100 нафар шахс пулти аравачалар билан таъминланди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлари ўз ҳудудидagi тиббий-ижтимоий муассасаларга бориб, у ердаги аҳолини ўз кўзи билан кўргани, муаммоларни ўргангани ҳақида ахборот берди.

Жумладан, 12 та “Саховат” ва “Мурувват” уйда қўшимча бино, 7 тасида ётоқхона, ошхона, тиббиёт бўлими, спорт зали қуриш, 21 тасида бинолар ва иситиш-совутиш тизимини таъмирлаш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, 6 та “Меҳрибонлик уйи”, имконияти чекланган болаларга ихтисослашган 11 та мактаб-интернат таъмирга муҳтож.

Президент мутасаддиларга барча тиббий-ижтимоий муассасалар аҳолини яна бир бор чуқур ўрганиб, зарур қурилиш ва таъмирлаш ишларини қамраб олган ҳолда 2022-2024 йилларга мўлжалланган ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлашни вазифа қилиб қўйди.

Бундай муассасалардаги кексалар, ногиронлиги бўлган болалар ва шахсларни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиб, уларни манзилли даволаниш ва дам олишга йўналтириш бўйича топшириқ берилди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум қўллаб болалар оилаларга қайтаётгани, 10 та Меҳрибонлик уйи, 3 та болалар шаҳарчаси ва 2 та болалар уйи эҳтиёж қолмагани сабабли ёпилгани қайд этилди.

— Болалар уйлари ва улардаги етимлар сони камайгани халқимизнинг юксак маънавияти, иймон-инсофини кўрсатиб турибди. Лекин мамлакатимизда умуман, етимлар бўлмаса, қандай яхши бўлар эди. Шунинг учун, имкон қадар уларни нумосиб оилаларга фарзандликка бериш чораларини кўриш лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тиббий-ижтимоий муассасалар директорлари сўзга чиқиб, тақдир ва мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда маҳаллаларни озода ва яшил маконга айлантириш, маданий-маърифий тадбирларни кўпайтириш вазифалари ҳам белгиланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Абдулазиз МУСАЕВ,**  
**Уза мухбирлари**

## ИЛМ-ФАН ВА ТЕХНИКА БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тошкентда 8 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Илм-фан ва техника бўйича раҳбарларининг олтинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

2010 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур тадбир илмий-техник ва инновацион ҳамкорликни ўрнатиш ва такомиллаштириш учун самарали майдон бўлиб, ШХТ ҳудудида ўзаро манфаатли ришталар янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиз меҳмонлик қилган бу галги анжуманда ШХТ мамлакатлари инновация, технология, таълим, илм-фан соҳалари ривожини учун масъул вазирликлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазир Иброҳим Абдураҳмонов ва ШХТ Бош қотиби Чжан Мин иштирокчиларни кутлади.

Маълумки, бугунги кунда дунё илм-фани сунъий интеллект, нанотехнология, биотехнология, коинотни ўрганиш, тиббиёт, “яшил” энергетика ва бошқа қўллаб йўналишлар бўйича жадал ривожланмоқда. Давлатлар, халқларнинг ушбу соҳалардаги яқин ҳамкорлиги доимо жамият тараққиётини илдамлаштирадиган муҳим омиллардан бири эканлиги ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Шу маънода ҳозирги тезкор замонда Ўзбекистон ҳам иқтисодийнинг барча соҳалари, жумладан, илм-фан ва инновация йўналишида дунёнинг илгор мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб бориши жуда муҳим.

— Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда илмий ва инновацион фаолиятни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. — деди Иброҳим Абдураҳмонов. — Зеро, Ўзбекистонда қабул қилинган Инновацион тараққиёт стратегияси 2030 йилгача республикамиз дунёдаги энг кучли 50 мамлакат сафидан жой олишини назарда тутди. Бинобарин, 2021 йил Ўзбекистон Республикаси Глобал инновация индексида 86-ўринни эгаллаш ҳам бежиз эмас.

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, инновация соҳаси тараққиётини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида” ги икки муҳим қонуни қабул қилинган. Айнаи дам ушбу ҳужжатлар юртимизда илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган йили Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси фанини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси қабул қилинди. Мазкур Концепцияда Ватанимизни яқин келажақда ва узоқ мудатли илмий-инновацион ривожлантириш асоси белгиланган.

Хусусан, илгор халқроқ тажриба асосида илмий-тадқиқот олиб бориш учун давлат бюджетининг шакллантиришининг янги механизмини яратилиб, 85 миллион долларлик 700 га яқин илмий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Шунингдек, илмий-инновацион фаолиятни тижоратлаштириш механизмининг йўлга қўйилди, стартап-лоийҳаларни молиялаштириш тизими жорий қилина бошланди. Ҳозиргача юздан ортиқ стартап-лоийҳа ушбу тизим асосида маблағ билан таъминланди.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**  
**Уза мухбири**

## ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ катта умидлар рўёби, инсонпарварлик намунаси сифатида бўй кўрсатмоқда

**Абдулазиз ҲАЙДАРОВ,**  
**Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори**

Янги Ўзбекистон иқтисодий фаровон, кенг имкониятлар мамлакатига айлини улгурди. Зеро, бугун ижтимоий йўналишдаги ислохотлар самараси тобора яққолроқ кўзга ташланаётди.

Шулардан бири пенсия таъминоти, нафақалар тайинлашдаги ўзгаришлардир. Яқин-яқингача мавжуд тизим халқимиз манфаатларига тўла жавоб бермас, пенсия тайинлаш, қолаверса, пенсия пулини ўз вақтида олиш жиҳидий муаммо эди. Бу ҳам майли, банк пластик картасига тушган пенсияни нақдлаштириш масаласидаги ечиммас тўсиқлар-чи? Табиийки, бу ҳолат аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўларди. Ечимни йўқдек кўринган бу масалалар Президентимизнинг алоҳида эътибори, сиёсий иродаси билан тезда ҳал этилди.

Бундай муҳим ислохотлар қисқа муддатда ўз натижасини бера бошладди. Масалан, 2021 йилда пандемия билан боғлиқ мураккаб шароитга қарамай, Пенсия жамғармаси томонидан 391,9 минг фуқарога пенсия ва нафақалар тайинланган. Бугунги кунга келиб, юртимизда пенсия ва нафақа олувчи оилалар сони 4 миллиондан, болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оилалар сони 1 миллион 861 мингдан ошди. Бу сўнгги йилларда аҳоли манфаатини кўлаб изчиллик билан амалга оширилган ижтимоий ҳимоя сиёсатининг муҳим кўринишидир.

Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришга киришилган шу кунларда кучли ижтимоий сиёсат билан боғлиқ навбатдаги муҳим ҳужжат имзоланди. Гап Президентимизнинг 2022 йил 7 апрелдаги “Давлат пенсиялари, нафақалар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳақида.

Қарор билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидида бир қатор муҳим ўзгаришлар амалга ошадиган бўлди. **Биринчи ўзгариш:** жорий йил 1 майдан эътиборан “Темир дафтар”, “Ешлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилганларга ва жазони ўтаб озоликка чиққан фуқароларга бериладиган тўловлар ҳар ойнинг 5-санасигача молиялаштирилади ҳамда Халқ банкнинг сайёр кассалари томонидан маҳаллаларга етказилади.

Бу Ўзбекистонда “Инсон қадрини уюштириш” тамойилининг амалдаги ёрқин ифодаси бўлади. Боиси, махсус дафтарларда турган юртдошларимиз, айниқса, аёллар ва ёшлар, шунингдек, билиб-билмай жиноят содир этиб, бугун озоликка чиққан, инсонпарварлик сиёсати тўғрисида афв этилган фуқаролар эҳтиёжи ҳаммамизга маълум. Тўловларнинг ўз вақтида етиб бориши уларнинг кундалик ҳаётини йўлга қўйиб

олиши билан бирга, давлат ҳимоясини ҳис қилиши ва шу орқали эртанги кунга ишончи ошишига хизмат қилади.

**Иккинчи ўзгариш:** Халқ банки томонидан пенсия, нафақалар ва моддий ёрдамни фуқароларга нақд етказиш хизматлари учун Пенсия жамғармаси ва бюджетдан банкка 1 фоиз хизмат ҳақи тўлаб берилади. Бу миқдорлар пенсия ва нафақаларни етказиб беришда сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш имкониятини яратди.

**Учинчи ўзгариш:** пенсия, нафақа, компенсациялар ва моддий ёрдам пулини банк карталари орқали олувчиларга ҳар ойлик пенсия ва нафақа пулининг 1 фоизи миқдорда қўшимча тўлов жорий қилинади.

Бизда кекса авлод вакилларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Уларнинг мурожаатлари ҳам доимий эътиборда. Бу Президентимиз қароридида ҳам ўз аксини топди. Гап шундаки, шу пайтгача пенсионерлардан баъзан нақд пул ҳам керак бўлаётгани, лекин банккоматлардан пулни нақдлаштиришда банк хизмати учун 1 фоиз олиб қолнаётгани ҳақида мурожаатлар келиб тушаётган эди.

Энди бу муаммо бўлмади. Тизим ишга тушиши билан, яъни жорий йил 1 майдан пенсионерлар картасига 1 фоиз миқдорда ортиқча пул келиб тушади. Агар пенсия ва нафақа банк картаси орқали олинса ва картадаги маблағ нақдлаштирилмасдан фойдаланилса, 1 фоиз миқдорда бериладиган ушбу қўшимча маблағ пенсионер ихтиёрида қолади.

Мабодо пенсионер пулни банккоматдан нақдлаштириб олса, қўшиб берилган 1 фоиз маблағ ечиб олинади. Демак, пенсионерлар учун банккоматдан пул ечиб олиш фойдасиз бўлади.

**Тўртинчи ўзгариш:** 2022 йил 1 сентябрдан ҳарбийлаштирилган пенсиялар тизими автоматлаштирилади ва пенсия варақаларини юришти амалиёти бекор



қилинади. Бунинг натижасида аҳолининг ушбу қатлами замонавий ахборот технологиялари воситасида сифатли ва тезкор хизматлардан баҳраманд бўлади.

**Бешинчи ўзгариш:** хориждан 1800 та банккомат олиб келиниб, олис ҳудудларга ўрнатилади.

Бу ҳам халқимиз, айниқса, олис қишлоқларда яшаётган одамлар учун катта қўлайлик. Ўз навбатида, уларнинг маблағини ҳам, вақтини ҳам тежаб қолади. Чунки баъзан пулни нақдлаштириш учун узоқ йўл юриб, гоҳида туман марказигача боришга тўғри келарди. Шу йил 1 октябрдан олиб келинади-ган банккоматлар муаммони ечиш учун қишлоқ ва маҳаллаларга жойлаштирилади.

**Олтинчи ўзгариш:** 2022 йил якунигача банкнинг пенсия ва нафақа олувчилар маблағларини масофадан бошқариш имконини берувчи янги мобиль иловаси ишлаб чиқилади.

Бу пластик карталар орқали масофадан туриб турли амалиётларни бажариш, хусусан, уйдан чиқмасдан турли тўловларни тўлашга имкон яратди. Бир сўз билан айтганда, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган янги ўзгаришлар халқимизга катта руҳий куч ва ғайрат бағишлади. Шунингдек, бу каби чора-тадбирлар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ва нурунийларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борада давлат томонидан яратилаётган имкониятлардан тўла баҳраманд бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида пенсия ва нафақалар миқдорини мунтазам ошириб бориш кўзда тутилган. Таъкидлаш кераки, 2021 йилнинг декабрь ойида пенсияларнинг

ўртача миқдори 922,9 минг сўмни ташкил қилиб, йил бошидагига нисбатан 111,0 минг сўмга ёки 14 фоиз қўлайган.

Қолаверса, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини қўллашда янги ёндашувлар жорий этилаётди. Хусусан, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб зарур иш стажига эга бўлмаган, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ҳамда иш стажига тўлиқ бўлмаган ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 440 минг сўмдан 622 минг сўмга етказилди. Бундан 162 мингга яқин фуқаронинг пенсия ва ногиронлик нафақа миқдори қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Ўзгалар парварлишига муҳтож, ногиронлиги бўлган 18 ёшга болалари бор оилаларга ҳар ойда 500 минг сўм миқдорда янги турдаги парварлаш нафақаси жорий этилди. Бунда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ўзгалар парварлишига муҳтожлигини белгилаш ва улар тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда тақдим этиб бориши тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, 2022 йил октябрдан ушбу тоифадаги фуқароларга нафақасини фуқаролардан қўшимча ҳужжатлар талаб этмаган ҳолда, автоматик шаклда тайинлаш тизимини жорий этиш кўзда тутилган.

Пенсия қонучилигининг моҳияти ҳамда тизимдаги ўзгаришлар ҳақида аҳоли орасида тарғибот ва тушунтириш ишларини фаол давом эттириш, шу мақсадда жойларда сайёр учрашувлар ўтказиш, оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш ҳам муҳим вазифамиздир. Зеро, ушбу эзгу ишларнинг барчаси, аввало, халқимизнинг фаровонлигини қўллаб амалга оширилмоқда.

Буюк ўзбек йўли

## Инсон капитали:

Халқ орзуси билан қудратли  
Келажак тарбияланмоқдаЎзбекистон  
ёшларининг қалб  
тарбиясида муҳим  
эврилиш бошланди.Бу мусиқа оҳанги,  
адабиёт ва санъат  
сеҳри билан  
қалбни улғайтириш  
йўли бўлди.Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,  
академик

Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга алоҳида эътибор берилди. Бу йўлда ҳар бир фуқарога тикилган сармоя жамиятга 15-17 баробар бўлиб қайтади, яъни шунча фойда келтиради.

Умуман, одамзод онгли ҳаёт кечира бошлаган даврдан буён инсон капиталига инвестиция киритиш келажакни белгиловчи асосий омил саналади. Бугун янги Ўзбекистон ана шу йўлда.

Келинг, энди гапни Президентимизнинг инсон капиталига қаратилган катта сўёсати ҳақида бошласак.

**Мақтабгача таълим сўёсати.** Давлатимиз раҳбари: “Фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мақтабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди”, деган эди.

Бу мақсадни тизимли ривожлантириш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистон тарихида илк бор 2017 йили Мақтабгача таълим вазирлиги ташкил этилди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 38-мақсадда мақтабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш, 39-мақсадда мақтабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилган.

Ана шу йўлда бажарилиши режалаштирилган чора-тадбирларга бир эътибор қаратайлик: 2024/2025 ўқув йили якунига қадар 6 ёшли болаларни мақтабгача тайёрлов тизими билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга етказиш, 7 мингдан зиёд янги нодавлат мақтабгача таълим ташкилотини очиб, 160 мингдан зиёд педагог кадрнинг малакасини ошириш мақсад қилинган.

**Биринчи эврилиш ҳикмати:** тўққизда қандай — тўқсонда шундай, дейди донишманд халқимиз. Аслида Президентимизнинг мақтабгача таълим тизимига қаратаётган эътибори, болаларни боғчага қамраб олиш сўёсати замирида ётган буюк мақсад моҳиятини шу мақолнинг ўзи очиб беради.

Шундай экан, қишлоқларда ҳам, ҳоҳ хусусий, ҳоҳ давлатники бўлсин, мақтабгача таълим ташкилотлари иш бошлаётгани бугун ҳар биримиз олқишлаймиз. Айниқса, қишлоқда, маҳалласида болалар боғчаси қурилишини бундан беш-олти йил олдин тасаввурига ҳам сиғдиришга қийналган ота-оналарнинг қувончи чексиз.

Хайриятки, бугунги кунларга етиб келдик. Мақтаб ёшигача бўлган болаларни боғча тизимига қамраб олиш даражаси ой сайин ортиб бормоқда. Демак, азиз Ватанимизнинг қудратли келажакни улғаймоқда. Ана бир муҳими — таълимнинг бошланғич тизимида илгори тўқ фарзандлар камолга етгапти. Ота-оналар, бобомонолар эса ўз жигарбандининг жисми ва руҳ тарбияси етук бўлиши учун курашмоқда. Чунки бунга давлат имкон яратиб қўйибди.

**Мақтаб сўёсати.** Жорий йил 5 апрель кунин Президентимиз халқ таълими соҳасидаги ишловларга натижадорлигининг таҳлили юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди. Шу кундан буён таълим фидойилари ширин ташвишда. Бу — Ватан келажак учун масъулият ташвиши, ислохотларга дахлдорлик, юксалиш ташвиши.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўртинчи йўналиши “Адоллатли ижтимоий сўёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” деб номланади. Унда 34 та мақсад мўжасам. Шу мақсадларнинг 7 таси бевосита мақтаб таълимини ривожлантиришга йўналтирилган. Қолган мақсадлар ҳам моҳиятан соғлом камолот билан уйғун.

**Бугун — ташаббуслар замони.** Таҳликали даврнинг ўзи янги фикрларни, ҳаётга



қарашларни ўзгартиришни, бир сўз билан айтганда, креатив ёндашувларни талаб қилмоқда. Мақтаб таълими ана шу қаҳшан ичда яшаши керак. Давлатимиз раҳбари ўтказган йиғилишнинг тарихийлиги ҳам шунда.

Президентимиз мақтаб ўқитувчиларини қайта тайёрлаш бўйича умуммиллий лойиҳа бошланишини эълон қилди. Бу тизим яқин йилларда ўз самарасини бериши аниқ. Бойси, келгуси 3-4 йилда барча синф ўқитувчилари янги методика асосида ўқитилади. Бунинг учун, керак бўлса, хориждан малакали мутахассислар жалб этилади.

Шу билан бирга, жорий йил 1 августга қадар 960 та мақтаб компьютер синфи билан таъминланади, 740 тасини жиҳозлаш аяқланади. Умуман, 5,5 мингта компьютер синфини янгилаш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади. Бунинг учун республика ва маҳаллий бюджетнинг жами 400 миллиард сўм маблағи йўналтирилади.

Бу инсон капиталига маблағ ажратилгани ва ўқитувчилар малакаси ҳамда тафрактури юксалиб мақтабга қайтади, дегани. Мақтабга ўқитувчилар сиймосида янги руҳ кириб келиши эса, ҳеч шубҳасиз, “ёш авлод мўъжизаси” содир этилиш ҳодисасини бошлаб беради.

**Иккинчи эврилиш ҳикмати:** ниҳоят, ўқитувчи қаддини тиклаган замонда яшаймиз. Муаллими хор бўлган эл одамлари ҳеч замон яхши яшамаган. Буни яқин ўтмишда ўз ҳаётимизда ҳам кўрдик, гувоҳи бўлдик. Ҳозир у кунлар хотирасига қайтмоқчи эмасмиз.

Президентимиз давлат бошқарувига киришган илк кундан оқ катта иқтидор билан “Бугун муносиб яшаш” тамойилини илгари сурди. Шундан одамлар фикри уйғонди. Шундан ўлигимизни таний бошладик. Ўзлик эса таълимдан мавжланади. Таълим — мақтаб, таълим — устоз.

Давлатимиз раҳбари жамиятда муаллим обрўсини тиклаб бергани, ҳа, айнан тиклаб бергани мўқаддас тутумларимизга ҳам ғоят ҳамоҳуқ эканини таъкидлаш, менимча, ортиқча. Бугунги фаровон жамиятимизда кўтаринки руҳ таъбири айнан шу қутлуғ ҳаракат билан кўр олган бўлса, не тонг.

Замонамиз атрибуту —  
қўзлари чакноқ, шижоатли  
ёшлар бўлсин!

Ўзбекистон — саховатли, тафтли ва дилбанд замин. Халқимиз — дўлоб, болажон, тўйғули, орзу-ҳавасли. Буни ўзимиз ҳам, дунё ҳам билади. Лекин узок давом этган мустабид тузум, мустақилликдан кейинги жараёнларда ҳаёт осон кечмагани бор гап. Бу сийсий бўҳрон секин-аста каттадан кичикка, отадан болага ўтиб, пировардида, бутун бошли миллат қайғусини келтириб чиқаргани ҳам кўз юмиб бўлмас ҳақиқат.

Бугунги ҳақиқат шуки, дунёга янги Ўзбекистон ислохотлари танилмоқда. Ўзбекистон халқининг дунёқарши тубдан ўзгарди. Маърифатли жамият сари интилмоқда.

Маърифатли жамият кенг тушунча. Бунга энг мақбул таърифни Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида келтирган. Мана у: Албатта, ҳаёт бор экан, унинг ўткир талаблари, муаммолари бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Лекин ҳар қандай муаммони

оқилонга ҳал қилиш учун, аввало, илм ва маърифат зарур. Барчамизга, айниқса, раҳбар ва етакчиларга чуқур билим, ақл-заковат, сабр-тоқат керак. Маърифатли жамиятни барпо этишнинг долзарб масалаларига ҳозиржавоб бўлиш, бу борадаги ишларда масъулиятни доимо чуқур ҳис қилиб яшаш бугунги давр талаби бўлиб қолади.

Шундай экан, ёшларнинг онгу тафракурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифамизга, тақдиримизни ҳал қилувчи омилга айланиши шарт ва зарур.

Биз аллақачон шу мақсадни бажаришга киришганмиз. Бу Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус эди.

Юқорида бугун ташаббуслар замони экани ҳақида бежиз айтмадик. Гап шундаки, ёшлар сийсатига доир бешта муҳим ташаббус жамиятимиз ҳаётига жўшқин кайфият олиб кирди.

## Жўшқинлик нимада зоҳир?

**Биринчи ташаббусда.** Ўзбекистон ёшларининг қалб тарбиясида муҳим эврилиш бошланди. Бу мусиқа оҳанги, адабиёт ва санъат сеҳри билан қалбни улғайтириш йўли бўлди.

**Иккинчи ташаббусда.** Бу ёшларни жисмоний чинқитириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишида буй кўрсатди.

**Учинчи ташаббусда.** Замон билан ҳамнафас, илғор ахборот технологияларидан самарали фойдаланишга қодир йигит-қизлар камолга етмоқда.

**Тўртинчи ташаббусда.** Ёшлар китобга ошно тутинди. Шундан уларнинг маънавияти юксалди. Бу юксалиш эзгу ғоялар рўёбига йўл очмоқда.

**Бешинчи ташаббусда.** Хотин-қизларни иш билан таъминлаш орқали оилаларда хотир-жамлик, аҳиллик муҳити юзага келишига эришилди. Бундай оиладаги фарзанд эса, албатта, ўқинмасдан, қадди букилмасдан вояга етади.

Умуман олганда, бешта муҳим ташаббуснинг энг аввало, мақтабларда жорий этилиши ўсиб келаётган ўғил-қизларимизда кенг дунёқарашни шакллантириди, ўзига ишончини ошириди. Бу ҳам муҳим ғоя ва эришилган катта натижа эди аслида.

Ҳозир биз қисқача таърифлаган бешта муҳим ташаббуснинг ҳаётини ўқунларини ҳам бевосита инсон капиталига эътибор қаратиш билан юзага келган ҳодиса эканини англаб етиш учун кўп гап шарт эмас. Шунчаки, ҳаётга, ён-атрофимизга бир қур диққат билан назар ташлаш кифоя.

Кўряпсизми, ўзбек ўғли Баҳоқир Жалолов дунёнинг зўрман, деган полвонлари вужудига титроқ солиб қўйди. Оксана Чусовитина ҳали-бери майдонни босмоқчи эмас. Шахмат тарихида энг ёш гроссмейстер ва жаҳон чемпиони бўлган Нодирбек Абдусатторов, Жаҳоқир Синдоров каби ўғлонларимиз, бизнинг набираларини айтинг. Ёки Президент мақтабларида, ижод ва ихтисослашган мақтабларда таълим олиб, бир йўла дунёнинг 10-15 университетига грант ютиб олаётган, ўз билими ва салоҳияти билан чет элдаги тенгдошларини ўйлантириб қўяётган йигит-қизларимиз борлигига ҳам чандон шўқ қилсак арзийди. Шулар омон бўлсин, бор бўлсин, деймиш!

Ўзим домла — ёшлар билан ҳамнафасман. Ёшлар ҳақида, бугун уларга давлат раҳбари

яратиб бераётган катта имкониятлар ҳақида гапириш жуда мароқли. Чунки уларнинг аҳду шаҳида янги Ўзбекистоннинг сўнмас қудратини кўраман.

Шу бойс, ҳеч бир кун сарсари ўтмасин. Бугун барчамиз замонамиз атрибуту қўзлари чакноқ, шижоатли ёшлар бўлишини истаимиз.

Сиру синоатлар билан  
юзма-юз

Бугун дунё соҳибни — улуг бобомиз Амир Темур таваллуд кунин. Янги Ўзбекистонда бун-ёқдорлик, адолат, миннатдор авлодлар розилиги, халқчил ислохотлар руҳи кезиб юрибди.

Яна бир гап. Халқ орзуси азиз фарзандларимиз тарбияламоқда. Халқ орзуси эса ҳамма замонларда катта ўзгаришларга бешик бўлган.

Шу ўринда Президентимизнинг навқирон авлодга қарата айтган мана бу гапни йигит-қизларимиз ҳаммиша ёдида тутишини истардик:

— Қадрли ўғил-қизларим, сиз истиқлол фарзандларин, озод ва эркин, ҳур фикрли инсонлар сифатида ҳаётга дадил кириб келаётганингиз биз учун энг катта бахт, катта давлатдир. Мен ишонман, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини пухта эгаллаб, биз бошлаган улуг ишларни муносоиб давом эттирасиз.

Бугун инсон капиталининг ёшлар таълим-тарбияси ва Ватанимиз келажакни йўлдаги аҳамияти ҳақида фикр юритдик. Бу йўлда сарфланган маблағ эрта келиб кўп ҳисса бўлиб қайтишига ишонч билдирдик. Набат хулосага келар экан, бежиз Амир Темур бобомизни хотирламадик.

Асли буюк давлатчилик тарихига эга халқимиз. Миллатимиз томирларида улуг аждодларимиз қони оқмоқда. Қим нима деса десин-у, лекин бир гапни айтишга ҳақимиз: бугун Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида халқимиз босиб ўтаётган марралар, сийсий тутумларимиз башарий асосларга эга. Фикримизни Амир Темур бобомизнинг мана бу ўғити билан мустаҳкамлаймиз:

“Жаҳонни идора этувчи қудратли набираларимизга маълум бўлсинки, Тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўллаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузуққа боғладим ва салтанат бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодидан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритиб, толеи баланд миллатининг шарофатини, муҳаббат ва дўстлигини орқали қўлга киритган давлат ва салтанатни сақлагайлар.

Бу тузуқлардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай.”

Яна бир гап. Тақдир бизни катта синовлар билан тоблайпти. Дунёнинг сиру синоатлари билан юзма-юз турибмиз. Бу ёруғ оламда ҳали қиладиган ишларимиз кўп, орзуларимиз улкан, мақсадларимиз катта. Шундай экан, Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун эришган ютуқларимиз билан асло ҳаволаниш фурсати эмас. Юқорида айтган ширин ташвишлар ҳаммамизга, ҳаммиша ҳамроҳ бўлиши керак.

Бошланиш 1-бетда

Эндиги навбат режалаштириш санъатини бекаму кўст ижро этишга. Демак, олдимизда ниҳоятда мазмунли, жозибали, ўз навбатида, ғоят мураккаб йўл турибди. Биз ана шу йўлга инсон капиталига эътибор билан кириб келдик. Чунки ҳеч бир давлат капиталсиз ривожлана олмайди.

Дунёга машҳур давлат арбоби, Сингапурнинг биринчи Бош вазири Ли Куан Ю “Сингапур мўъжизаси” моҳияти ҳақида гапириб, натижага “тўғри сийсат ва инсон капиталига сармоя тикишимизда”, дея таъриф берган эди. Унинг таъкидича, инсон капиталига йўналтирилган 1 доллар маблағ 10 йилдан сўнг 100 баробар, 20 йилдан сўнг 1000 баробар бўлиб қайтади.

Бу моҳият дунё турғунча ўз қийматини йўқотмаслигига ишонкиш керак. Чунки у ҳаётда исботланган тажриба. Бугун Ўзбекистон инсон капитали юқори даражада ривожланаётган мамлакатлар қаторига киради. Бу ҳам кейинги йилларда юзага чиққан аён ҳақиқат.

## Эврилиш тонги

Кунин кеча бир ёш йигит телевидение минбарига кўриниб, электрон мутолаани ёқлади. Инсон узига керак маълумотни, маънавиятни ҳам интернетга уланган телефондан олиш тарафдори эканини айтди. Газета-журнал ўқишга вақт қаерда, деди.

Мен улғайовчи фикрни баҳолаш тараддудида эмасман. Бугун сиз билан ўртоқлашмоқчи бўлган мулоҳазаларим шу мавзуга ҳам тааллуқли экани учун эсладим, холос.

Ўтган беш йиллик ислохотлар халқимизга кўп нарса берди. Энг муҳими, Ўзбекистон фуқароларининг ривожланиш индекси ўсди. Бунга бир қанча сабаблар келтириш мумкин. **Биринчидан,** ўртача умр кўриш давомийлиги 70 ёшдан ошди. **Иккинчидан,** илм эгаллаш қобилиятини акс эттирадиган ўқишнинг ўртача давомийлиги ўсди. **Учинчидан,** 2021 йилда аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад ўртача 2100 АҚШ долларига етди. Буларнинг бари муносиб ҳаёт даражасидан дарак беради. Бу — инсон капиталига йўналтирилаётган маблағнинг дастлабки самараси.

Инсон капитали нима ўзи? Унга назарий ва амалий жиҳатдан таъриф бериш мумкин. Бир гапда айтганда, назарий жиҳат — давлатнинг ёш авлодга — 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган йигит-қизларга маблағ тикиши. Амалий жиҳат — жамиятдаги иқтисодий юксалиш ҳодисаси.



НУҚТАИ НАЗАР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИМИЖИ

Халқаро майдонда қандай юксалади?

Глобал медиамайдонда кузатилаётган ахборот тенгсизлиги, халқаро медианополиялар тўқнашуви, боз устига рақобатчи мамлакат ва минтақалар ўртасида содир бўлаётган узлуксиз ахборот хуружи, қарама-қаршилик, мафкуравий тўқнашувлар авж олаётган, сиёсий-иқтисодий муносабатлар чигаллашаётган даврда имижни қасддан бузиш ҳолатларини пайқаш қийин бўлмай қолди.



Беруний АЛИМОВ, Янги медиа таълим маркази директори, филология фанлари доктори

ислохотчи вазифасини давлат раҳбари ўз зиммасига олди.

Ҳар қандай мустақил давлатнинг жаҳонга юз тутиши, халқаро медиамайдонда тилга олиниши муқаррар равишда давлат раҳбарининг номи билан боғлиқ. Сиёсий етакчилик насиб этган шахснинг ҳаётий маслағи, нуқтаи назари, тажрибаси, билими, ватанпарварлиги ва ҳоказо фазилатлари давлат мустақиллигининг дастлабки палласида жиддий синовдан ўтади.

Ўзбекистон раҳбари ҳақида, хусусан, унинг факулдада омилиқлиги, доворак, таваккалчи иқтисодий реформаторлиги, мураккаб сиёсий вазиятлардаги устомонлиги нафақат журналистлар, балки таниқли олимлар, халқаро таҳлилчилар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Осиё журналистлари ассоциацияси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни "2018 йил одами" деб эълон қилди. Мамлакатимиз раҳбари сиёсий йўналиш бўйича голиб деб эътироф этилди. Ассоциация вакиллари эътирофига, давлатимиз раҳбари 2016 йил декабрда Ўзбекистон Президенти лавозимига киришганидан то ҳозирги вақтгача инсон ҳуқуқларини таъминлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, очик сиёсат юритиш, шу жумладан, сиёсий маъбусларни озод этишда юксак натижа кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон раҳбари қўшни давлатлар билан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ҳолда, Марказий Осиёда тинчлик-тотувлиқни асрашга катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон улкан ислохотлар даврини бошдан кечиряпти. Янги раҳбарият бозор иқтисодиётини рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, қўшни мамлакатлар билан алоқаларни қайта тиклаш, раҳбарлик лавозимларига ёш технократларни тайинлаш каби қатор ислохотларни амалга оширди.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятини ички ресурслар (интеллектуал, технологик, энергетик ва бошқалар)дан оқилна фойдаланишга асосланган янги дастурлар тақлифи билан бошлагани унинг сиёсий имижини янада мустаҳкамлади. У мустақил Ўзбекистоннинг

тайёрланиб, улар мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларига тарқатилмоқда. Булардан ташқари, барча дипломатик ваколатхоналарнинг расмий сайтлари фаолият кўрсатаётди. Улар сайт фойдаланувчиларини мамлакатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсат, ислохотлар самараси ва бошқа фаолият қирралари билан мунтазам таништиради.

Ҳозир мавжуд имкониятлар шароитида миллий ахборот воситаларимиз, шу жумладан, ташқи ахборот-коммуникация воситаларимиз халқаро медианополияларга рақобатчи кучга айланиш даражасида эмас. Шу боис, халқимиз, мамлакатимиз, давлатимиз ва албатта, Президентимиз шайнига қарата тарқатиладиган ахборотларнинг нечоғлиқ холис эканига хушёр бўлмоғимиз, зарур вақтда мамлакатимизда хорижий ахборотларга маърифатли ахборот билан жавоб қайтариш тизими йўлга қўйилмоғи керак.

Президентимизнинг хорижий мамлакатларга расмий ва давлат таширифлари чоғида ана шу давлатда фаолият олиб бораётган марказий ОАВда Ўзбекистон ҳақида қатор материаллар берилди. Булар, биринчидан, ана шу таширф учун информатсион фон ҳисобланса, иккинчидан, мазкур материаллар орқали мамлакатимиз ҳаёти билан боғлиқ турли янгиликлар, хусусан, эришилаётган оламшумул ютуқларимиз тўғрисида батафсил маълумотлар тарқатилади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонни хорижий мамлакатлар жамоатчилигига яқиндан таништиради. Қолаверса, давлатимизнинг халқаро медиамайдондаги нуфузини оширади.

Халқаро алоқалар доирасидаги муносабатларни ёритиш баробарида мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ҳаётнинг иқтисодий, гуманитар омилларига катта эътибор қаратилиши туфайли Ўзбекистон Республикасининг жаҳон медиамайдондаги имижни ижобий томон ўзгартириб бориши тўлиқ таъминланиши керак.

Ахборот соҳасидаги ислохотлар қандай давом этади?

Президентимиз фармонида юртимизда кейинги 5-6 йилда демократлашув жараёнини чуқурлаштириш, қонунчилик базасини янги даражага олиб чиқиш, хусусан, ахборот очкичилигини кенгайтиришга хизмат қилувчи ягона ахборот кодексини ишлаб чиқиш баробарида аҳолининг ахборот истеъмоли маданиятини ошириш, умуман, юртимиз



Яъни жамиятдаги каттаю-кичик соҳада яратилаётган эркинликдан оқилна фойдалана олмаётди. Очқоқасига айтганда, ахборот маконидида оқин қорадан, яъни рост хабарни фейкдан ажратишга қийналаётгани рост.

Шу сабаб ушбу фармонда фуқароларнинг ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш маданиятини ошириш масаласи қўйилгани айни мuddао бўлди. Унда, жумладан, турли ёш тоифаси учун мўлжалланган ўқув курслари ҳамда онлайн дастурларни омаллаштириш, халқ таълими ва профессионал таълим тизимининг тегишли дарслиқлари жамоасаводхонлик бўйича мавзуларни жорий қилиш кераклиги таъкидланган.

Ахборотни эркинлаштириш жараёнида юзга келаётган яна бир масала борки, у ҳам бўлса фуқаролар ҳақидаги шахсий маълумотлар уларнинг ихтиёрига тарқалиб кетиши хавфга оиддир. Шу сабабдан Давлат дастурида шахсий ва сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни интернет тармоғида ошқор қилиш билан боғлиқ дахлсизлик ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш масаласи кўнданла қўйилган. Бунда, жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг дахлсизлик ҳуқуқлари билан боғлиқ моддаларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш назарда тутилмоқда.

Мамлакат имижни янада мустаҳкамланиши керак

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлар экан, "Биз ажодларимизнинг доғишманлик аъёнларига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бориқдамиз", деди.

Мазкур гоёнинг мантқиқий давоми сифатида йиллар давомида ўз ечимини кутаётган ишлар бўйича конструктив режалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Янги Ўзбекистон тараққий стратегиясининг 98-мақсади айнан ушбу йўналишга қаратилган бўлиб, унда жаҳон ҳамжамиятида юртимиз имижини оширишга қаратилган ахборот етказиш самарадорлигини ошириш масаласи муҳим топшириқ сифатида илгари сурилган.

Бу жараёнда республикамизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, унинг бой тарихи ва маданиятидан сўзловчи сифатли медиа контентларини тайёрлаш, уларни мавжуд барча коммуникация каналлари орқали жаҳон аудиториясига мунтазам тарқатиш яхши самара беради. Ана шу мақсадда Ўзбекистон имижини жаҳон майдонда илгари сурини назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуини тайёрлаш ва амалга ошириш, мамлакатимизда ислохотлар ҳақида холис ахборот тарқатишни самарали давом эттириш масаласига алоҳида ургу берилган.

Дарвоқе, ҳар қандай мамлакат имижининг ўлчов мезонлари қаторида туризм соҳаси алоҳида ўрин тутди. Бунда хусусан, хорижликларнинг мамлакатни бориб қўришга бўлган қизиқишлари, маҳаллий шарт-шароитлар, табиатнинг гўзаллиги ва инсон қўли билан яратилган диққатга сазовор жойларнинг мавжудлиги эътиборга олинади.

Шу маънода, давлат дастурида Ўзбекистон тарихи, маданияти, санъати ва сайёҳлик салоҳиятининг хорижда ўтказилаётган курғазма ва экспозициялари сонини ошириш масаласи кўтарилган. Айни мақсадда хорижий оммавий ахборот воситалари ва туристик нашрлар вакиллари учун мунтазам медиаторлар ташкил этиш ҳам қўтилган самарани беришига ургу қаратилган. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг сайёҳлик брендини хорижда тарғиб қилиш бўйича кенг реклама кампаниясини ўтказиш бўйича ҳам топшириқлар берилган.

Хорижий давлатларда ўзбек тили, маданияти ва миллий аъёнларимизни кенг омаллаштириш, гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат бўлган Алишер Навоий халқаро институтини ташкил этишни тезлаштириш масаласи ўртага қўйилгани айни мuddао. Хусусан, хорижий давлат

ларда ўзбек тили, маданияти ва миллий аъёнларимизни кенг омаллаштиришга қаратилган, шу жумладан, Алишер Навоий халқаро институтини ташкил этиш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш бўйича топшириқ берилгани эътиборга олинади.

Чет элларда Алишер Навоий ижодида бағишлаб ижодий кечалар ташкил этиш баробарида хорижлик ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб ва Алишер Навоий ижодида бағишлаб ташкил этиладиган учрашувлар ва анжуманларга уларни фаол жалб этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтилмоқда.

Жумладан, хорижий мамлакатларда ахборот кампаниялари ўтказиш, хусусан, жаҳоннинг нуфузли оммавий ахборот воситаларида ва медиамайдонда Ўзбекистон ҳақидаги материалларни эълон қилишни ташкил этиш учун дипломатик ваколатхоналаримизга мольявий ресурслар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам экспертлар доирасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш, турли соҳа вакилларига тегишлилигича маълумотларни тўғридан-тўғри етказиш зарурати мавжуд. Жумладан, Европа мамлакатларининг сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, ишбилармон, маданий-гуманитар ва тахлилий доиралари вакиллари билан доимий музокаралар олиб бориш, уларга Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотлар тўғрисида холис ахборот етказиш ҳам қўтилган самарани бериши муқаррар.

Бунинг учун давлат дастурида турли форматлардаги давра сўхбатлари, брифинглар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ва кўламдор ислохотлар тўғрисида туркум мақолалар тайёрлаш, кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш лозимлиги қайд этилган.

Хорижда мақсадли тарғибот тадбирларини ташкил этиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаган. Хусусан, "Ўзбекистон маданият кунлари", давра сўхбатлари, курғазмалар ва фестиваллар ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги ютуқлари ҳақида хорижий оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда видеофильмлар намойишларини ташкиллаштириш зарурати қайд этилган.

Давлат дастурида чет элларда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш ва ислохотларни рағбатлантириш учун ватандошлар ресурсларини жалб қилиш масаласига ҳам алоҳида ўрин берилган бўлиб, унда хорижий давлатларда ватандошлар иштирокида Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги имижини оширишга қаратилган тадбирлар ташкил этиш режалаштирилган.

Айни пайтда ханузгача ишлатилмаган захиралар ва қатор долзарб масалалар борки, улардан фойдаланиш ёки ҳал этиш орқали мамлакат имижини шакллантириш қўлчиликнинг ягона мақсад йўлида бirlашувига боғлиқ. Чунки аёвсиз рақобат даврида мамлакатнинг ижобий имижни ва брендини кучайтиришга йўналтирилган наватбарлик сифат босқичига чиқиш учун давлат, фуқаролар, ишбилармон доиралар бир ёқадан бош қикаришлари шарт.

Авалламабор, ижобий имижни шакллантиришга тизимли ва комплекс ёндашув талаб этилмоқда. Бу соҳада тушунчаларни умумлаштириш, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш, амалга ошириш усуллари ва шаклларины ишлаб чиқиш ва уларни сўзсиз бажаришимиз керак.

Ана шу ишларни амалиётга татбиқ этиш учун нафақат давлат маблағлари, балки мамлакатдаги етакчи экспертлар ҳамда бизнес доиралар имкониятларидан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, фуқаролик жамиятининг барча қатлами "имиж сиёсати"ни амалга оширишда фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

ЎЗБЕКИСТОН УЛКАН ИСЛОХОТЛАР ДАВРИНИ БОШДАН КЕЧИРЯПТИ. ЯНГИ РАҲБАРИАТ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ, ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ, ҚЎШНИ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ, РАҲБАРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА ЁШ ТЕХНОКРАТЛАРНИ ТАЙИНЛАШ КАБИ ҚАТОР ИСЛОХОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРДИ.

кейинги ўн йилларга мўлжалланган иқтисодий ва сиёсий тараққиёт стратегиясини белгилаб берди. Энг муҳими, олиб бораётган ана шу фаолият баробарида давлатимиз раҳбари миллий етакчининг янги қиёфасини яратди. Узининг турфа фиркаларга очкилиги, ҳокимият бошқарувининг барча бўғини фаолиятини профессионал жиҳатдан яхши билиши, руҳий ва маънавий лидерлик қобилиятини кенг намойиш этиш баробарида жаҳон медиамайдонда Ўзбекистоннинг замонавий имижини шакллантирди ва уни бир неча поғонага кўтаришга эришди.

Давлат етакчисида кучли раҳбарлик, ташкилотчилик қобилияти билан бирга халқ эътиборини тортиш, мавжуд реалликни холис баҳолаш, тегишли қарорларни ўз вақтида қабул қилиш, воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш, одамларга тўғри йўлни кўрсатиш, нотижик махорати ва бетакрор харизма каби муҳим жиҳатлар мавжуд бўлмоғи керак.

Ҳар қандай давлат ўзининг мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олиш, ислохотлар стратегиясини бошлаш, белгиланган режаларни амалга ошириш, мамлакатда замонавий демократик жамият барпо этишдек улкан мақсадларни ўз олдига қўяди. Бироқ кенг омма бошланаётган ижтимоий-сиёсий ва бошқа ўзгаришларга бирдан тайёр бўлмайди. Мустақилликнинг дастлабки ўтиш даври яна қўллаб мураккаблиқларни келтириб чиқаради. Мана шундай ҳолатда жамият, давлат том маънодаги лидерга, етакчи кучга зарурат, эҳтиёж сезади.


Жаҳон медиамайдонда Ўзбекистон тутган йўлнинг ўзига хослиги, унинг афзалликлари ҳамда ютуқлари тўғрисида қўллаб материаллар эълон қилинди. Уша матбуот материаллари ўтган тарихан қисқа даврда Ватанимизнинг ички имижни шаклланишида катта аҳамият касб этди. Ички имиж негизда ташқи имиж барпо этилди. Таъкидламоқ зарурки, мамлакатимизда тараққиётнинг ўзига хос миллий моделини муваффақиятли амалга ошириш баробарида давлат, давлат раҳбари ва халқ имижни яхлит бир жараён, воқелик сифатида шаклланди, ривожланди ва дунё жамоатчилиги томонидан тан олинди. Ўзбекистоннинг ўзига хос бўлган тараққиёт моделининг ҳаётга жорий этилиши натижасида маъмурий буйруқ-бозликка асосланган совет тизими ўрнига миллий давлатчилик асослари билан боғлиқ мустақкам ҳуқуқий база яратилди.

Халқаро алоқаларнинг ахборот таъминоти қандай?

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг дунёнинг қирқдан зиёд давлатида фаолият олиб бораётган элчионаларни томонидан ана шу мамлакатлардаги маҳаллий ОАВ вакиллари учун матбуот анжуманлари, брифинглар, пресс-турлар ташкил қилиб келинмоқда.

Шунингдек, турли маҳаллий тилларда Ўзбекистон ҳаётига доир пресс-релизлар, анонслар, бюллетенлар ва бошқа шакллардаги ахборотлар

Жорий асрнинг интеллектуал аср экани, ҳар қандай замонавий тараққиёт ва юксалиш замирида илм-фан ютуқлари қатори интеллектуал салоҳият ётши исобат талаб қилмайдиган аксиома. Хусусан, ижтимоий-гуманитар соҳадаги илмий салоҳият мавжуд зиёли қатламнинг жамиятда кечаётган ислохотларга, воқеа-ҳодисаларга муносабатида акс этади. Бундай муносабатлар майдони эса оммавий ахборот воситаларида.



Сиверен Ўзбекистон ўзини дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ва тенг овозли субъекти сифатида тақдим этиш баробарида, ривожланишининг ўзига хос, бетакрор йўлини танлади. Демократик жамият қуриш миллий тараққиёт стратегиясининг асосини ташкил этди ва бу жараёнда бош

Сиверен Ўзбекистон ўзини дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ва тенг овозли субъекти сифатида тақдим этиш баробарида, ривожланишининг ўзига хос, бетакрор йўлини танлади. Демократик жамият қуриш миллий тараққиёт стратегиясининг асосини ташкил этди ва бу жараёнда бош

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН



АМИР ТЕМУРНИНГ ИЛМ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ АҲЛИГА БОТИНИЙ МУҲАББАТГА ЭГА ЭКАНИНИ ИККИ ИЖДОКОР БИЛАН БЎЛГАН ВОҒЕА МИСОЛИДА КЎРИШ МУМКИН. УЛАРДАН БИРИ ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙНИ “АГАР ОН ТУРКИ ШЕРОЗИ БА ДАСТ ОРАД ДИЛИ МОРО, БА ХОЛИ ҲИНДУЯШ БАХШАМ САМАРҚАНДУ БУХОРОРО” БАЙТИ “БАҲОНА” ҲУЗУРИГА ЧАҚИРТИРИБ, МУНОЗАРА ҚИЛГАН ВОҒЕАСИДИ. ГЎЁ ТЕМУР ШОИРГА ТАНБЕҲ БЕРМОҚЧИ ЭКИ ЖАЗОЛАМОҚЧИДЕК ТААССУРОТ УЙҒОТАДИ БУ ВОҒЕА ҲАҚИДАГИ БИТИКЛАР. АСЛИДА, БИРИНЧИДАН, САЛТАНАТНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА ОБОД БУ ИККИ ШАҲРИНИ ЖАҲОНГА МАШҲУР ШОИР ТЕНГСИЗ БОЙЛИК СИФАТИДА ҚАЛАМГА ОЛГАН СОҲИБҚИРОНГА МАМНУНИЯТ БАХШ ЭТГАН ЭДИ.



Наифас ШОДМОНОВ, филология фанлари доктори

муайян ислохотларга йўл очди. Ҳеч шубҳа йўқки, XIV асрда мусулмон Шарқнинг катта қисмида тасаввуфнинг фалсафий оқими ғоялари диний таассуб эки сунний сўфийликка қараганда кўпроқ таъсир кучига эга эди. Фалсафий тасаввуфнинг ўзи санъатни ҳақиқатнинг ноъанавий (ностандарт) ифодаси сифатида қўллаб-қувватлайди. Уз юртини ҳар жиҳатдан жаҳонда энг илғор ва кучли мамлакат сифатида кўрсатмоқчи бўлган Амир Темурга бу ғояларни қўллаб-қувватлаш ва унга таяниш

унинг муסיқашуно олимлар ўртасида мартабаси баландлиги ва улуғлигидан далолатдир. Уни Ғайбий, Ҳофиз, ал-Муסיқор, Гуянда, Исфохоний, Нойий, Ноиний, Удий, Ҳиротий, ҳатто Самарқандий деб атайдилар. У шoir сифатида ҳам анча маҳоратли бўлиб, форс ва туркий тилларда ижод қилган.

Мароғий Ироқда Султон Аҳмад Жалойир саройида яшаркан, икки юз давр мажмуаси — “даври миатайн” номли усул яратишга киришди. Лекин у тугатилмасдан Темур томонидан Самарқандга кўчирилди. У пойтахтда темурий Ғиёсиддин Муҳаммад Мирзонинг нодими бўлиб турган вақтида бу янги ижод намунасини тугатиб, Соҳибқиронга тўхфа этди. Олимнинг зийраклиги, нутқи, овози, ижоди, одоби — ҳаммаси Соҳибқиронга маъқул эди. Бирор мажлисни усиз ўтказмасди. “Зафарнома”да олимнинг “нодир-л-аср”, “ягонаи замона” сифатлари билан зикр этилиши унга бўлган муносабатдан далолатдир.

Ҳожа Буюк Соҳибқироннинг ишончли кишисига, бош хонандасига айланди. Темур қаерга бормасин, уни ўзи билан олиб юрарди. 1398 йилда Темур Ҳиндистонга юриш бошлаганида ҳам ҳамсафар бўлди. Лекин сафарнинг узоқ чўзилиши олим ижодий режаларини амалга оширишга монелик қилиши туфайли у Соҳибқиронга ўз ҳолидан арз қилади. Соҳибқирон арзини инобатга олиб, қўлига уни мадҳ этувчи бир нишон (нома) бериб, Самарқандга қайтаради.

Соҳибқироннинг Ҳиндистонда экани, Мироншоҳнинг касаллиги, боз устига, айш-ишратга берилиб, чоғирхўрлик, нардобозлик қилиши ҳамма ёққа аён бўлган, муҳолифат оёққа тура бошлади. Бағдод ва унга яқин жойларнинг ҳаммаси қўлдан кетиб бўлган, уларни қайтариб олишга Мироншоҳнинг кучи етмасди. У Табризга биқиниб олишдан бошқа чора топмади.

Бир куни Мироншоҳ хотини Хонзода бегим билан қаттиқ уришиб қолди. Малика аччиқ устида Самарқандга жўнаб кетди. Айни вақтда Соҳибқирон Ҳиндистондан қайтиб келганди. Амир хурсандлик устида турганда унга Бағдод ва Табриз атрофидаги воқеалар, у ердаги фитналар ҳақидаги хабарни етказадилар.

Соҳибқирон Эронга йўл олади. Табризга бориб, Мироншоҳнинг барча беку мулозимларини ўлимга амр қилади. Улар орасида Ҳожа Абдулқодир ҳам бор эди. У билан бирга муסיқашунослардан устод Қутбиддин Нойий, Ҳабиб Удий, Ардашер Чанғий, Мавлоно Муҳиддин Коҳий қабилар ҳам бўлган. Ҳожа қаландар кийимида ючиб кетади ва шаҳарма-шаҳар кезиб юради. Қисқа вақтдан сўнг Темур Бағдодни қайта қўлга олганда унга шаҳар кўчасида юрган Абдулқодирнинг кайфиятидан хабар етказадилар. Кейинги воқеаларни Алишер Навоий “Мажолис ун-нафос”нинг еттинчи мажлисида бундай давом эттиради: “Ул ҳазрат (Темур) тахтда эрдиким, Ҳожа фақирни девоналига қўймай, тахт илаига келтурдилар. Андин бурунким, сиёсат ҳукими бўлғай, чун хожанинг камолатидин бири Қуръон ҳифзи ва қироат илми эрди, филҳол бийик ун била Қуръон ўқимок бунёд қилди. Ул хазратнинг газабни лутфга мубаддал бўлиб, фазл ва камол аҳли сари боқиб бу мисраъни ўқудиким:

Абдол зи бийм чанг дар Мусхаф зад.

(Мазмуни: Қаландир қўрқувда Мусхафга чанг солди.)

Андин сўнгра Ҳожага илтифот ва тарбиялар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулозим қилди”. Навоий Амир Темур айтган мисрани ўрнида айтилган назм сифатида таъкидлайди. Бу мисра улғу сўфий Шайх Абу Саид Абулхайр қаламига мансуб жуда маъшурубуини охири қатори эди. Бу ҳам Соҳибқироннинг адабий-бадийи салоҳиятини, шахсиятини аниқлашга ёрдам беради.

Амир Темур Хожанинг буюк истеъдоди имкониятларини яхши билар, санъатни қадрлар эди. Акс ҳолда, Қуръонни қанча маҳорат билан ўқимасин, унга шайқат қилмасди. Зотан, бу буюк салтанатда ундан бошқа ҳофизни Қуръонлар, ислом уламолари жуда кўп эди.

Бош ҳофиз ҳаётида кечган мазкур воқеа ҳақида XVII асрда яшаб ижод қилган маъшуруно Дарвеш Али Чанғий ҳам зикр этган. Унга кўра, қўнлар ўтиб, Амир ўз лашкари билан Ироққа юриш қилиш ҳаракатига тушади. Бундан хабар топган Абдулқодир Амирнинг қулোগа етиб борадиган бир назм тузишга қарор қилди. Шундай хаёл билан газал битади, уни басталайди ва темирчиға бориб, шу куй нағмаларини ҳосил қилувчи ҳар хил катталиқдаги кўнғирқочлар ясади. Сарбон билан кўнғирқочларнинг ҳар бири қасди туғга осилиши кераклигини ҳам келишиб олади. Карвон йўлга чиқади. Туялар ҳаракатга келган, куй юзага кела бошлайди. Амир муסיқа илмидан хабардор эди, муסיқани яхши тушунарди. Кўнғирқочлардан таралаётган ёқимли наво Амрини бейфарқ қолдирмайдди. Бу куй Ироқ мақоми йўлида яратилган бўлиб, уни бастакор “Амали тарона” деб атаганди. Амир куйга эътибор қилар, куй эса ўз оҳангидан адашмасди. Шунда у сарой муסיқашуносларнинг пешкадами бўлиб қолган, уша пайтда бош хонандалик вазифасида турган ва ушбу тадбирдан огоҳ Ҳожа Абдуллоҳ Лориний хузурига чорлаб, бунинг ижодкорини сўрайди. Лорий уэр сўраб, бу иш Абдулқодирга тегишлилигини билдиради. Амир ҳофизни кечириб, унинг саройига қайтишга рухсат беради. Ашула “Чун мирави суйи Ироқ фаромушам накун”, деб бошланар эди.

(Мазмуни: Ироқ сари йўлга, чиқсанг, мени унутма.)

Ҳожа Абдулқодирнинг Темур ва авлодлари саройидаги ижоди ҳақида қўллаб маълумотлар бор ва улар мумтоз муסיқа илмини ўрганишда ўз қимматини сақлаб қолган. Масалан, “Жомеъ-ул-алҳон”

СОҲИБҚИРОННИНГ УЙҒОНИШ САБОҒИ

Бошланиши 1-бетда

Юрт озодлиги, марказлашган буюк давлат тузиш йўлидаги жангу жадаллари Амир Темурнинг ҳарбий билим ва салоҳиятини, оқилна, адолатли ва буюк ислохотчилик сиёсати нечоғлиқ юксаклигини кўрсатса, илм-фан, адабиёт ва санъатнинг фавкуллода ривожланиши учун замин яратиши порлоқ келажак учун сармоа тикишда намуна бўлган доҳий, раҳнамолик истеъдодини намойиш этади.

Бундан ташқари Ғарбда беш юзга, Шарқда тўққиз юзга яқин тадқиқот ёзилгани ҳақида маълумотлар бор. Уларга асослар дастлаб “Темур тузуклари”дан, қолаверса, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”лари, Ибн Арабшоҳнинг “Амир Темур тарихи”, Фасих Ҳавофининг “Мужмали Фасихий”, Ҳафиз Абрўнинг “Зубдат ут-таворих” асарларидан олинган. Жумладан, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари муқаддимасида муаллиф Чингизхон билан Амир Темур ўртасидаги фарқга тўхталиб, бундай ёзади: “Чингизхон қайси шаҳар ва вилоятнинг босиб олган бўлса, на ул жойдан асар қолди-ю, на улусидан хабар... Ҳазрат Соҳибқироннинг бахтиёр замонида фатҳ этилган жойларда эса низоҳчилар ва душманларнинг ихтиёридан бутунлай чиқди ва... ахволи олдингидан ҳам анча хайроқор ва ободроқ, халқи эса тинч ва хурсанд бўлди”.

Темур авлодлари тарихини ёритишда Муиниддин Натанзий, Мирхонд ва Хондамирнинг тарихий асарлари ҳам муҳимдир. Уларга таяниб айтиш мумкинки, Темур даври маданияти, адабиёти ва санъати миллий маънавий юксалиш тарихини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга.

Амир Темур мамлакат маълумлигининг асоси илм-фанни ривожлантириш ва ҳар бир ишда унга амал қилиш, деб билди. Академик Иброҳим Мўминов “Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” асарида Соҳибқироннинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятини тавсифлаб, унинг “илм-фаннинг математика-риёзиёт, геометрия-ҳандаса, архитектура-меъморлик, ахтаршуннос, астрономия, адабиёт, тарих, муסיқа каби соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор бергани”ни таъкидлаган эди. Бу фикрни давом эттириб айтиш мумкинки, арбобликда тенгсиз бот ўз ўз даврида илм-фан, адабиёт ва санъатнинг нафақат ривожланиши, балки уларнинг жаҳон майдонида энг олдинги ўринга чиқишини мақсад қилган эди. Бу ҳаракат ҳамма жабҳада ўз самарасини берди. Қурилиш, бунёдкорлик соҳасида эришилган натижалар буни ҳозиргача яққол кўрсатиб турибди. Қурилган иморатлар салобати сиёсий мақсадларга ҳам хизмат қилган. Бунинг асоси Амир Темурни унчалик хушламаган испан элчиси Руи Гонсалес де-Клавихо кундаликларидан биринга Оксаройга мафтун бўлиб қолгани, унинг маҳобати олдида фаранг усталари-да охириги ҳақидаги эътирофлар ҳам таъкидлайди. Қолаверса, шу бино деворларига битилган “Агар куч-қудратимизга шубҳа қилсанг, қурган иморатларимизга бок” мазмунидаги машҳур сўзлар бунга далил.

Илм-фан ютуқларига асосланган қурилишлардаги асосий хусусиятлар анъанавий шахристонлар

ўрнида Самарқанд ва Шахрисабдага ўхшаш хисорлар, меъморий мажмуалар бунёд бўлиши, гўмбазларни кўтариб турувчи пойгумбазлар баландлиги ошиши, гўмбаз ости тузилмалар тақомиллаштириши, меъморликда ҳандасавий шакллар мутаносиблиги ишлаб чиқирилиши, биноларга нақш ва безаклар берилишининг юксалишидан иборат эди.

Урта Осиёда мадрасалар қурилиши ва уларда диний фанлар қаторида дунёвий фанлар ўқитилиши Амир Темур ва темурийлар даврида ҳар қачонгидан кучайган эди. Уларда нафақат ўз даврининг буюк алломалари, балки барча замон ва маконларнинг машҳур олимлари тарбияландилар. Бундай алломалар ҳақида жуда кўп ёзилган. Араб олимни Ибн Холдун (1332-1406) “Муқаддима” асарида Мирзо Улугбекдек дунёга машҳур олимнинг етишиб чиқишида Амир Темур вужудга келтирган Самарқанд илмий муҳитининг аҳамияти катта бўлганини таъкидлаган. Соҳибқирон бундай муҳитни турли юртлардан салоҳиятли баланд олимларни ҳар хил йўллар билан ўз пойтахтига келтириш асосида шакллантирган. “...Темурнинг буйруғи билан ҳар томондан келтирилган ихтисосли олимларнинг ғайрати билан, — деб ёзади Фитрат “Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи” рисоласида, — бу санъат бирдан жонланди, оёққа босди. Ислоом Шарқнинг ҳар томонидан келтирилган чоғуллар, чоғулчилар бизнинг бу кунги классик муסיқийимизнинг юксалишига, кўтарилишига хизмат қилдилар. Оз замонда ерлилардан улғу муסיқийшунослар етишдилар”.

Бу тадбир ундан кейин набираси Улугбек Мирзо томонидан ҳам давом эттирилди. У асос солган мадрасаи олияда Саъдулдин бин Умар Тафтазоний, Али бин Муҳаммад Саййид Шариф Журжоний, Қозизода Румий, Муҳаммад Ҳавофий каби олимлар дарс бериш билан бирга илмий тадқиқотлар ҳам олиб бордилар.

Амир Темур даври бунёдкорлик ишларининг ерқин намуналари уламолар қадимжолари, мақбара ва даҳмаларидир. Булар нафақат Самарқандда, балки Кавказ ёки араб ўлкаларидаек олис юртларда ҳам қурилган. Темуршуннос Поён Равшановнинг маълумот беришича, Дамашқни қўлга киритган Соҳибқирон шаҳарнинг муқаддас жойларини кўздан кечиради. Қабристонга бориб зиёрат қилиш асосида пайгамбаримиз Муҳаммад (савнинг) завжаи мутаҳарралари Умму салама ва Умму Ҳабиба мазорларини кўради. Улар оёқости бўлган, ҳароб аҳволда эди. Темурбек фарзандлари ва беқларига буйруқ бериб, мазкур валялар қабри устига гўмбазли мақбара қурдиради.

Шундай иморатлардан бири Туркистонда тикланган Аҳмад Ясавий мақбарасидир. У мусулмон Шарқи меъморий ёдгорликларига орасида энг ноёблиридан ҳисобланади.

Амир Темурнинг илм-фан, маданият ва санъатга муносабатида бир нозик жиҳат бор. Бу ўша даврининг ягона ва етакчи мафқураси — ислом дини ақидаларига ёндашув билан боғлиқ. Соҳибқирон ва авлодлари чин маънаодаги мусулмон бўлганига шубҳа йўқ. Бу кўп бор эътироф қилинган. Бунёдкорлик ишларида ҳам бунга амин бўлиш мумкин. Лекин бу даврда фалсафа ва мантқиқ илмларига кўпроқ диққат қаратилгани диний соҳада ҳам

маъқул эди. Шундай бўлди ҳам. Натижада фақат меъморлик эмас, барча санъат турлари ва улар билан боғлиқ илмлар юксалишга юз тутди. Соҳибқиронга нисбат бериладиган “Зафар йўли” китобида бу танловга далолат қилинган.

Диний ақидалар тасвирий санъатни, шунингдек, муסיқани чеклайди. Фалсафий тасаввуфда эса улардаги тасвир воситалари ва образлардан мажоз сифатида фойдаланишга бирмунча эрк берилади. Айнан Амир Темур ва авлодлари даврида Самарқанд ийрик миниатюра санъати марказларини бирига айланиши сабаби шу билан изоҳланиши мумкин. Бу даврдаги етакчи муаввир Ҳожа Абдулхайр Нақшошдир. Ҳозир унинг ижод намуналари Туркия ва Германия кутубхоналарида сақланади. Улар асосан хомаки миниатюра нусхалари бўлиб, XIV-XV асрларга оид. Уларда шахслар, дарахлар, гуллар ўзига хос композицияларда чизилган, чиқиқлар ва ҳаракатлар аниқ, деталлар мутаносиб тайиллаштирилган. Муаввирнинг Шайх Махмуд Жалилий, Пир Аҳмад Бонг Шамоллий, Муҳаммад бин Махмудшоҳ ал-Хайём, Дарвеш Мансур каби шоирларини бу санъатни ривожлантирди. “Зафарнома”нинг дастлабки кўчирилган нусхалари ҳам миниатюралар билан безатилган. Дастлаб Мирак Нақшошдир Камолддин Бехзод ижоди билан яқунлаган миниатюраларда ранглар сержило, уйғун ва гоят нафисдир. Уларнинг мавзулари ранг-баранг, ҳаётий ҳолатлар беқиёс маҳорат билан тасвирланган.

Миниатюра санъати ривожини таттоб Мир Али Табризий томонидан янги ёзув тури — настълиқ кашф этилишига ҳам сабаб бўлганини таъкид қилиш мумкин. Бу билан китобат санъати тараққиётига ҳам эришилди.

Амир Темурнинг илм, адабиёт ва санъат аҳлига боғлиқ муҳаббатга эга эканини икки ижодкор билан бўлган воқеа мисолида кўриш мумкин. Улардан бири Ҳофиз Шерозийни “Агар он турки шерози ба даст орад дили моро, Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро” байти “бахона” хузурига чақиртириб, мунозара қилгани воқеасидир. Гўё Темур шоирга танбех бермоқчи эки жазоламоқчидек таассурот уйғотади бу воқеа ҳақидаги битиклар. Аслида, биринчидан, салтанатнинг энг йирик ва обод бу икки шаҳрини жаҳонга машҳур шоир тенгсиз бойлик сифатида қаламга олгани Соҳибқиронга мамнуният бахш этган эди. Иккинчидан, Ҳофиздек шоирни тақдирлаш, унга эҳсон қилиш Буюк Темур кўнглида аввалдан бор бўлган. Акс ҳолда, яъни ҳукмдорнинг байтдан жаҳли чиққан бўлса, шоирнинг бир оғизгина ўзининг сажийлиги камбағаллик ва юпунлигига сабаб бўлгани ҳақида айтиши уни кечириб, тақдирлашга етарли бўлмас эди.

Иккинчи воқеа Улғу Амир саройининг бош ҳофизини Ҳожа Абдулқодир Мароғий билан содир бўлган воқеадир. Бу воқеа баёнидан аввал Темур замонида муסיқа санъати ривожини таъминлаган олим ва ижодкор ҳақида қисқача тўхталиш жоиз.

Абдулқодир бин Ғайбий Мароғийнинг таваллуд санаси сифатида миллидий 1353 йил кўрсатилди. Тўғилган жойи эса, ақсар олимлар фикрича, Эроннинг шимоли-шарқидида Марога деган жой. Олимнинг исми олдиндан Ҳожа унвонини кўшадилар. Бу



Рустам МУСУРМОН, шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Амир Темур қурган иморат

Буюк халқ қудратин айлаб башорат, Юксалиб турибсан мағрур, Оқсарой. Амир Темур бобом қурган иморат, Дунёда йўқ сендан улғурок сарой.

Дерлар, сулуве қизнинг душмани хусн, Яхши ҳам, ёмон ҳам боқади хайрон. Сендаи гўзаллик, сендаи фусун Ғанимлар кўнглини айлаган вайрон.

Гўмбазлари мовий, қуббалари зар, Машъалдек порлаган нур, маёқ сарой. Кошинлари олтин, лоҷувард, гавхар, Ҳар маҳалла шаҳар, ҳамма ёқ сарой.

Карвонга эргашиб боради карвон, Зотан Амир Темур узидан юрди. Соҳибқирон каби бунёдкор сарбон Юртда Темурбеклар мактабин курди.

Амир Темур қайтди саройга, яна Юрт сўраб турибди улғу ҳукмдор. Этчилар, давлатлар қўтлашар ана, Авлодлар кўнглида фахру ифтихор.

Қайғуо қувончда элга беғумон, Шериксан, замонлар тожи Оқсарой. Юракни тоғ қилган, бағирни осмон Шу Ватан, шу эл-юрт, шу тупроқ — сарой!

Ҳамон халқ қудратин айлаб башорат, Юксалиб турибсан мағрур, Оқсарой. Адолатни шoir қилган иморат, Дунёда йўқ сендан улғурок сарой.

“Кўйлар мажмуаси” асарининг ёзилиш тарихини туркиялик олимлар 1405 йил деб кўрсатадилар. Унинг ўз кўлёмаси Бодлеан (Оксфорд) кутубхонасида сақланмоқда. Лекин бу асар муаллиф томонидан 1413 йилда янгидан тахрир этилади. Муаллифнинг кўли билан ёзилган бундай нусхалардан биттаси Истанбулдаги Нури Усмония кутубхонаси фондидан хўл олган. Унда Султон Шоҳруҳга бир итҳофия (туҳфанама) бор ва унинг тарихи 1415 йил деб кўрсатилди. Рисола 1366 ҳижрий шамсий (милодий 1987) йилда Тақий Биниш томонидан Тейхонда нашр этилган. Китобда Шарқ муסיқасининг назариёти ҳақида энг кўп тафсилот берилган. Булардан ташқари, жаҳон кўлёмалар хазиналаридаги айрим асарларда ҳам Абдулқодирга нисбат берилди. Улар хусусида қатъий тўхтам бўлмагани учун бирор фикр билдириш қийин.

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева  
Мусаҳҳиж: Шерзод Махмудов  
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқини — 00:00 Топширилди — 01:10

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Тажриятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер мақсадида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 987.  
85049 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмахона телефони: (78) 129-29-29